

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 242 (10.547) / 2005 ЙИЛ 15 ДЕКАБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кимматбах о неъмат — сув исрофгарчилигининг олдини олишда пойтахтимиздаги «TOSHKENT-ZENNER» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган жохон андозалари даражасидаги ҳисоблагичларнинг ўзига хос ўрни бор.

**СУРАТДА:** бригада бошлиғи Рустам Турдиматов тайёрланаётган ҳисоблагичлар сифатиغا алоҳида эътибор қаратади.



## ҚИСҚА САТИРЛАРДА

● **КЕЧА** Яққасарой енгил саноат қасб-хунар коллежиди «Маънавият ва маърифат» марказининг Яққасарой туман бўлими ташаббуси билан «Чекиш соғлиқ учун зарар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатиди ақувчилар ҳамда ўқитувчилар иштирок эттиди.

● **ЎТГАН** кун Тошкент Давлат юридик институтида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида «Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларига таҳлилий ёндашув» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● **БЕКТЕМИР** туман марказий кутубхонасида туман халқ таълими бўлими ҳам-

корлигида уюштирилган «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» кўрик-танловида китобхонлар ҳамда 291-мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирок эттиди.

● **КЕЧА** «Тошкент — Лада» очик турдаги акционерлик жамиятида «Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрни ва нуфузи» мавзусида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей ўқувчилари «Шахидлар хотираси» майдониди «Катагон қурбонлари» музейига экскурсия қилишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Сихат-саломатлик йили поёнига етиб борар экан, Юртбошимиз ташаббуслари билан янги 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номланганлиги, бу Сихат-саломатлик йилининг мантқий давоми бўлганлиги барчамизни қувонтирди. Бундан кўзланган мақсад халқ саломатлигини асраш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, шифокорлар меҳнатини қадрлашдан иборат.

## 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

### ЭЛ СОҒЛИҒИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли, айниқса оналар ва болалар, ўсмир қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, бугунги кунда тиббий-ҳодимлари меҳнатига катта эътибор қаратишмоқда. Бунинг Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорларидан ҳам билиш қийин эмас. Инсон саломатлигини сақлашда тиббиётдаги ҳар бир йўналишнинг ўзига хос аҳамияти бор. Айниқса, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш жуда муҳимдир. Кўп йиллик иш тажрибамдан шундай хулосага келишимки, шифокорлик машаққатли ҳамда энг шарофтли касб. Мен ўз касбим билан фахрланаман. Чунки янги инсонни дунёга келтириш, аёлларнинг оналик бахтига мушарраф бўлишларини кўриш энг катта бахт деб ўйлайман. Бизнинг мақсадимиз аввало соғлом онадан соғлом болани дунёга келтириш.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузалардан «Сихат-саломатлик йили»да биз учун ўта муҳим бўлган оналик ва болалиқ, репродуктив саломатлиқни ҳимоя қилиш, тиббий маданиятни ошириш, онали соғломлаштириш борасида ҳам жиддий натижалар қўлга киритилгани барчамизга мамнуният бағишлайди, деб айтган сўзлари қалбимизни фарға тўлдирди. Бундай илиқ фикрларни албатта биз шифокорларга билдирилган катта ишонч деб ўйлайман.

Ва албатта келгусида бу ишончга жавобан ўз ишимизга яна ҳам масъулият билан ёндошишга ҳаракат қиламиз.

Сурайё РАСУЛОВА,  
шаҳар марказий касалхонаси гинекология бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ ЭТИБ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 11 октябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунининг /2000 йил 26 майда қабул қилинган 77-И-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳририда /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 148-модда; 2003 йил, №5, 67-модда; 2004 йил, №5, 90-модда; 2005 йил, №1, 18-модда/ 19-моддасининг биринчи қисмидаги ва иккинчи қисмининг биринчи хатбосидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги 172-И-сонли Қонунига /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 262-модда, 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда/ қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1/ 9-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2/ 38-моддасидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги 220-И-сонли Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 58-модда; 2003 йил, №5, 67-модда/ 25-моддасининг учинчи қисмидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Экспорт назорати тўғрисида»ги 658-И-сонли Қонуни /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, №9, 158-модда/ 8-моддасининг биринчи қисмидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлغا кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 14 декабрь

## Маънун академиясининг 1000 йиллигига ЯНГИ МАРКА МУОМАЛАГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 ноябрдаги қарорига биноан мамлакатимизда Хоразм Маънун академиясининг 1000 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Ҳозир жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган ва истиқлол йилларида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан қайта тикланган маънун қадимий академиянинг шонли тўйини нишонлашга юртимизда қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон маркаси» филиали маънун санга бағишлаб янги почта маркасини тайёрлади. У Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Мархага қадимий академиянинг таниқил расмом А.Баҳромов муқолаамига мансуб юбилей эмблемаси асос қилиб олинган.



ЎзА

## ХУМСақоси

Барча малбалардак олинган сўғги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Инсонпарварлик юкларини ортилган «Экосан» саломатлик поезди Қашқадарё вилоятига жўнаб кетди. Поезд юклари таркибида иссиқ ва спорт кийимлари, катталар ва болалар учун пойабзаллар, ўрин-кўрпалар, дезинфекция қилувчи воситалар мавжуд.

● Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Президент Қарорига мувофиқ шаҳарда тайёргарлик ишлари бошланди. Бунда курилиш, ободонлаштириш, янги қўшма корхоналарни ишга тушириш, маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

● Қашқадарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ташаббуси билан вилоят ҳокимиятининг қўллаб-қувватлаши остида чорвачилиқни ривожлантиришга иختисослашган фермер хўжалиқларини ташкил этиш ишлари бошланди.

● Кармана туманида сутни қайта ишлайдиган кичик корхона ишга тушди. Ҳозир бу ерда замонавий чет эл технологияси асосида кунга беш тоннагача сут қайта ишланб, ўндан ортик турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

### Жаҳонда

● Швеция пойтахти Стокгольмда 104-бор Нобель мукофоти тинчлик, физика, кимё, тиббиёт, адабиёт ва иқтисодиёт соҳалари бўйича ўз сохибларига мамлакат кироли Карл Густав XVI томонидан тантанали равишда топширилди.

● Колумбия ҳукумати мамлакатнинг тоғли худудларидан биридаги ўз қўшинларини чиқариб, кўзғолончилар билан музокаралар бошламоқчи эканлигини билдирди.

● Ливаннинг собик бош вазир Рафик Ҳарийрига суиқасд зоясидан текширув олиб бораётган Детлеф Мехлис бошчилигидаги комиссия иккинчи маърузасини эълон қилган. БМТ Сурияга нисбатан жазо чораларини қўлламаслигини билдирди.

● Хитойда 8 йил давомида катта миқдорда пора олганликда айбланаётган собик ҳукумат аъзоси — Хэйлуңзянь музофотининг собик губернатори, 2000-2003 йиллар давомида табиат захиралари вазири лавозимида ишлаб келган Тянь Фэншань устидан суд жараёни бошланди.

— Мазкур телекўприк кулоғи оғир ва қар одамларнинг иштирок этгани билан ҳам алоҳида эътиборга молик, — деди марказ директори Ясун Инаба «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бу тадбирни ташкил этиш ва уни амалга оширишда Умуяпония кар-соқовлар федерацияси яқиндан ёрдам берди.

Я.Инабанинг таъкидлашича, тадбирда сурдотаржима воситасида қатнашчилар ҳаётлари, ишлари ва ўзлари ёқтирган машғулотлари ҳақида гапириб беришди. — Хар икки мамлакатдаги жисмоний имкониятлари чекланган бу инсонлар халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида ўз иқтидорларини намойн этишмоқда. Улар тадбиркорлик ва спорт соҳаларида муваффақият қозонишмоқда.

Телекўприк икки соатдан кўпроқ вақт давом этди.

— Жамиятимизга қарашли корхоналар томонидан 4 миллиард сўмдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, — деди Республика қарлар жамияти директори ўринбосари Жавҳар Рихсиев. — Мамлакатимиз ички бозорига тикувчилик, тўқимачилик, мебликачилик, озик-овқат ва бошқа товарлар етказиб берилди. 2006 йилда Жиззах вилоятида пахтани мажмуали қайта ишлашдан тор-

тиб, уни тайёр тикувчилик маҳсулоти сифатида ишлаб чиқарадиган корхона очилиши мўлжалланмоқда.

Ж.Рихсиев жамият корхоналари учун ҳукумат томонидан қатор имтиёзлар белгиланганини таъкидла-

тилганлиги, ҳамда 2005 йил январидан бунён эшитиш қобилияти чекланганларни компьютер курсларида ўқитилгани учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Ўзбекистон-Япония инсон заҳираларини ривожлантириш маркази 2000 йилнинг октябрида Ўзбекистон — Япония ҳукуматлари ўртасидаги битимга мувофиқ ташкил этилган. Унинг асосий мақсади ишбилармонлиқни ривожлантириш, ҳар икки давлат ўртасидаги ўзаро англашуви янада теранлаштириш, маданий алоқаларни ривожлантиришдан иборат.

Марказда бизнес бўйича саводхонлиқни оширишдан ташқари, япон тили ва компьютер курслари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида Марказда 140 мингдан зиёд киши ўқитилди. Маданий тадбирлар доирасида японияликларга мамлакатимиздаги урф-одатлар ва анъаналар ҳамда маданиятимиз хусусида кенг маълумот берилди.

Келажакда тадбиркор-аёллар учун махсус семинарлар, шунингдек мамлакатимизнинг турли минтақаларида япониялик экспертлар иштирокида кўча бизнескурсларни ташкил этиш мўлжалланмоқда.

«Туркистон-пресс»

## ТЕЛЕКЎПРИК—ТОШКЕНТ ВА ТОКИОНИ БИРЛАШТИРАДИ

Тошкентдаги Ўзбекистон-Япония инсон заҳираларини ривожлантириш марказида халқаро Ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда икки мамлакат урф-одатлари ва анъаналари, турли масалаларига оид фикрлар алмашиш имконини берган телекўприк ўтказилди.

— Меҳнат жамоасининг эллик фоиздан зиёди ногиронлардан иборат корхоналар маҳаллий солиқлардан ташқари, даромад, мулк, ер солиқлари, қўшимча даромад солигини тўлашдан озод этилган, — деди у. — Жамият қошидаги корхоналар даромади ҳисобига 18 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида кадрлар тайёрланади. Тошкент ва Нукус шаҳарларидаги Маданият саройларида турли йўналишдаги тўғараклар мунтазам ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйича спорт базалари, стадионлар, турли тўғараклар фаолият кўрсатмоқда.

Ж.Рихсиев Ўзбекистон-Япония инсон заҳираларини ривожлантириш марказига телекўприкни ташкил

Пойтахтимизда тиббий кўмакка муҳтож болаларни умумий таълимга жалб этиш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туман халқ таълими бошқармалари мутахассислари, имконияти чекланган болаларга таълим беришчи педагоглар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамғармалар вакиллари иштирок этди.

## ТАЪЛИМ — БАРЧА УЧУН

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев анжумани очар экан, мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбиясига давлат сибсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Бугунги кунда юртимизда тиббий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча болалар таълимга жалб этилган. Айни пайтда тиббий кўмакка муҳтож болаларнинг тўлақонли таълим олиши, касб эгаллаши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига кўмаклашишда вазириликлар, тиббий реабилитация марказлари, жамғармалар ҳамжиҳатликда фаолият олиб бораётир.

Ҳозир юртимизда фаолият юритаётган тиббий кўмакка муҳтож болалар учун саксон олти махсус мактаб-интернатда қарийб йигирма минг нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётди. Имконияти чекланган болаларнинг янада тўлақонли билим олишларини таъминлаш, психологик реабилитация қилиши, соғлом муҳитга қайтаришда уларни умумий таълим муассасаларига жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Икки кун давом этган анжуманда тиббий кўмакка муҳтож болаларни умумий таълимга уйғунлаштиришнинг шакл, услуб ҳамда воситалари ишлаб чиқилиб, бу борадаги илгор тажрибалар ўрганилди. Тиббий-педагогик комиссиялар, ташҳис марказлари, психологик хизматлар фаолияти самарадорлигини ошириш, алоҳида тиббий ёрдамга муҳтож болаларга таълим беришда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини қучайтириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

## «КЕЛАЖАК ОВОЗИ»: РЕСПУБЛИКА САРАЛАШ БОСҚИЧИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгаши улғайиб келаётган авлодни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг илмий, ижодий, замонавий технологиялар ва тадбиркорлик соҳасидаги салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида «Келажак овози» республика ёшлар танловини эълон қилган эди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгашида мазкур танловнинг республика саралаш bosқичи бошланди.

Тадбирнинг очилишида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ижрочи директори Б.Шаропов, «Келажак овози» республика ёшлар танлови финал bosқичи иштирокчиси М.Бартовта мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қамол инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятимиздаги ислохотлар жараёнида уларни фаол иштирокчига айланатириш, йигит-қизларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш ва истеъдодини тўла намойн этишига кўмаклашиш Президентимиз Ислам Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидладилар.

Бу борадаги эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида ўтказилаётган мазкур танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри bosқичида 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган уч минг нафардан зиёд мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари ҳамда ёш мутахассислар иштирок этди.

Тасвирий, амалий, музикаий санъат, бадий-публицистика, ахборот-коммуникация технологиялари, меъморчилик, дизайн, ижтимоий лойиҳалар ҳамда бизнес режа тузиш бўйича

ўз интилишлари ва қобилиятини намойн этган 260 нафар йигит-қиз танловнинг республика саралаш bosқичига йўланма олди.

—Мен зардушлик соҳасидаги ишларим билан танловнинг меъморчилиги ва дизайн номинацияси бўйича республика bosқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлдим, — дейди Бухоро шаҳридаги 16-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Махбуба Саъдуллаева. — Асрлар оша яшаб келаётган халқимиз амалий санъатининг ушбу турига боғлиқдан меҳр қўйганман. Неча асрлар оша ўтиб келаётган зардушлик анъанасини давом эттираётган буним, Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Томирова яратаётган либосларни кўриб, қадимий санъатимизга меҳрим янада ортади. Мен ҳам аждодларимизнинг ушбу бебаҳо санъатининг муносиб давомчиси бўлишни орзу қиламан.

—Мазкур танлов барча йўналишлар қатори музика соҳасида ижод этаётган ёш санъаткорлар учун ҳам яна бир маҳорат мактаби бўлмоқда, — дейди Қорақалпоқ давлат университети музика факультети талабаси Ниёзбек Асқаров. — Биз ўз имкониятларимизни намойн этиш баробарида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган тенгдошларимиз ҳаёти ва ижоди билан яқинроқ танишиш, улар билан ўзаро тажриба алмашиш, таниқли санъат намояндалари ва олимлар

маслаҳатларидан баҳраманд бўлишга мушарраф бўлаётганимиз.

Танловнинг республика саралаш bosқичи тасвирий, амалий санъат, меъморчилик ва дизайн бўйича пойтахтимиздаги Халқаро маданият қарвон саройида, бадий ижод ва публицистика бўйича Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Тошкент ахборот технологиялари университетида, музика бўйича Ўзбекистон давлат консерваториясида, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа номинацияси бўйича «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида ўтказилапти. Танлов қатнашчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий дастурлар намойиш этилади.

Танлов фойлиблари 28 декабрь кун эълон қилинади. Фойлиблар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг таълим грантлари дастурида имтиёзли иштирок этиш ҳамда ўз мутахассислиги бўйича пойтахтимиздаги ўқув юртлирида малака ошириш имконига эга бўлади.

Тадбир доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида танловнинг республика саралаш bosқичига йўланма олган иштирокчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА муҳбири

## Иқтисоқий

### ЎЗ ЎРНИГА ЭГА КОРХОНА

Чилонзор туманида узок йиллардан бунён ўз соҳасида муваффақиятли фаолият юритаётган корхоналар орасида «8-темир-бетон маҳсулотлари заводи» акциядорлик жамиятининг муносиб ўрни бор.

Мустақиллик йилларида юртимизда бунёдкорлик ишлари авж олганлиги эътиборга молик, шу боис ҳам сифатли, кўркам, чидамли қурилиш материалларига талаб ортиб бормоқда. Жамият ўз сафларида бугунги кунда 154 нафар тажрибали, ғайрат-шижоатли ишчи-хизматчиларни бирлаштирган бўлиб, катта бюртмалар ҳам доимо ўз муддатларида, сифатли бақарилишига эришилгани боис ҳам бюртмачилар сафи ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўзида жуда кўплаб иншоотлар муҳташам кўприқлар, ер ости ўтиш йўллари, ободонлаштириш, кўкчалар, айвонларнинг қўқаллаштириш мақсадларида қўқалнадиган бетон тўқинлар, колонналар, устунарлар каби кўплаб маҳсулотлар Эски шаҳарни қайта қуришда, Самарқанд дарвоза ҳамда Фурқат кўчаларида қад ростлаган бинолар, гузарларда, хиёбон, шоҳбекатларда кенг қўқаланилмоқда.

Бундан ташқари ўтган йилдан бошлаб жамият аъзолари 4 хил турдаги турли ҳажмлардаги маҳсулотлар — гултуваклар (бекатларга қўқиладиган манзарали бетон идишлар)ни бюртма асосида тайёрлашмоқда.

### ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Ишлаб чиқариш қийин жараён бўлиб, харидоргир маҳсулотни тайёрлаш, уни сотиш ҳам тадбиркордан озмуна меҳнат талаб қилмайди. Шу боис ички бозоримизни сифатли, кўркам, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўқдиришга интилаётган хусусий тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётгани алоҳида таҳсинга лойик.

Мирзо Улуғбек туманида 1999 йилда фаолият бошлаган «Galand Servis» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси айтиш мумкинки, ўз маҳсулотлари билан ички бозоримизда муҳим ўрни эгаллаган. Улар ўтган йилдан аёллар учун кундалик, башанг, эсклэзив нусхадаги қийим-кечакларни тикиб чиқармоқдалар. Ишчиларнинг касб-маҳорати, малакаси, ижодий меҳнати самараси ўлароқ корхонада тайёрланган қийимлар жуда харидоргир.

Маҳсулотлар ўзининг дизайни, чиройли бичими, рангларининг ёрқинлиги, пишиқ тикилиши ҳамда фақат сифатли матолар қўқиланиши билан ажралиб туради. Классик, замонавий ҳамда ҳушбичим либослар ҳар қандай нозиктаб мижознинг ҳам дидига мос бўлиб, бисер, мунчоқлар билан безалган. Асосийси эса улар хориджан келтириладиганларидан нисбатан арзон.

Корхона тадбиркорлари айни кунларда 3 та янги — қуз-қиқиши мавсумга мўлжалланган костюмларни сотувга тайёрламоқдалар. Ушбу маҳсулотлар мижозларни қувонтиришига шубҳа қилмас бўлади.

(Ўз муҳбиримиз)



## «ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

«Ўзбекистон Республикаси ўз худудидида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши», деб таъкидланган мамлакатимиз Конституциясининг 4-моддасида. Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ахил-иноқ яшамокда. Уларга Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла фойдаланиши, фаровон ҳаёт учун барча шароит яратилган.

1992 йилда Республика байналмилал маданият марказига асос солиниши Ўзбекистон раҳбариятининг миллатлараро муносабатлар ривожига юксак эътибори ва гамхўрлигининг бир ифодаси бўлди.

Ушбу муассаса ҳозир юрти-

миздаги 140 дан зиёд миллий-маданий марказ фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистонда турли миллат вакиллари-нинг фестиваллари, учрашувлари, таниқли маданият арбобларининг кечалари, семинарлар, конференциялар ҳамда халқ байрамларини ташкил этишида Республика байналмилал маданият марказининг хизмати катта бўлаётди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалида голиб чиққан бадий жамоаларни тантанали тақдирлаш маросими бўлди.

Тадбирда Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакилла-

рининг мазкур фестивали Конституциямиз байрами кенг нишонланаётган кунларда ўтаётганида катта маъно борлигини алоҳида таъкидладилар.

Мазкур фестиваль турли миллатларнинг ўз миллий маданияти, санъати ва фольклорини намойиш этиши, шунингдек, ёш истеъодларни кашф қилиши, юртимизда яшаётган миллат ва элатларнинг дўстлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Республика байналми-

лал маданият маркази томонидан ўтказилди.

Фестиваль голибларига соҳибдорлар топширилди. Миллий-маданий марказлар қошидаги ансамбллар ижросида концерт намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Акмал НАЗАРОВ,**  
**ЎЗА мухбири**



### Мағнабият

## КЕНГ КЎЛАМЛИ ФАОЛИЯТ

«Чегара билмас реставраторлар» ташкилоти Марказий Осиёдаги маданий-тарихий меросни таъмирлашга ҳам яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Қароргоҳи Парижда жойлашган бу нуфузли ташкилот Ўзбекистонда қатор лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилди.

Туркистондаги фотография маданиятига оид кўргазмалар ташкил этиш лойиҳаси доирасидаги фаолият самарали бўлди. Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи коллекциясини реставрация қилишдан иборат лойиҳа эса ниҳоясига етди.

«Масофа билмас реставраторлар» ташкилоти Ўзбекистон Бадий академияси билан биргаликда Ўзбекистонда Реставрация Марказини ташкил этишга киришди.

Бу ҳақда «Марказий Осиё минтақасида маданий-тарихий меросни реставрация қилиш муаммолари» мавзуда Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда маълум қилинди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ БАКУДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Муслим Магомаев номидаги Озарбойжон давлат филармониясида Булбул номидаги учинчи вокалчилар халқаро танлови якунига етди. Унда ҳақамлар хайъатининг бир овоздан қабул қилган қарорига кўра, ҳамюртимиз Абдумалик Абдуқаюмов голиб деб топилди, танлов Гран-приси ҳамда 10 миң АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофотига сазовор бўлди.

Яна бир юртдошимиз Жаброил Идрисов Баку мусиқа академияси томонидан таъсис этилган «Умид» махсус мукофотига сазовор бўлди.

**«Жаҳон» АА**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўмита масъул ходимлари, ҳудудий давлат солиқ бошқармалари ҳамда инспекциялари бошлиқлари ва ўқув муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

## МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОШМОҒИ ДАРКОР

Йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг шу йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 22 ноябрдаги «Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва нақд пул маблағлари муомаласи бўйича жавобгарликни оширишга доир қабул қилинган ҳужжатларнинг ижроси юзасидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда солиқ идоралари томонидан бажарилиши лозим бўлган шу каби бошқа ҳужжатлар ижросига оид масалалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, солиқ органлари томонидан бу борада изчил чора-тадбирлар амалга оширилляпти. Тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган амалий чоралар ўз натижасини берапти.

Аммо боқиманда ва ортиқча тўловларни камайтириш борасидаги ишлар кўлами барча ҳудудларда ҳам бирдек эмас. Хусусан, Тошкент ва Бекобод туманларидан бундай тўловлар ҳисобини юртишда жиддий камчиликларга йўл қўйил-

ган. Айрим ҳудудий солиқ органлари томонидан фаолияти шубҳали деб топилган хўжалик юртувчи субъектларда текшириш ўтказиш яхши ташкил этилмаган.

Мазкур долзарб масалаларнинг муҳокамаси давомида баъзи ҳудудий солиқ идораларида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги таъкидланди, йўл қўйган камчиликлари учун Тошкент тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, 21 нафар раҳбар ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди. 46 нафар раҳбар ходимнинг масъулияти жорий йил якуни бўйича қўриб чиқилиши белгиланди.

Ҳайъат йиғилишида давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонлари ва қарорларида белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш борасида масъулиятни янада ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Йилни муваффақиятли якунлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

### Муббўён

## ЖАМҒАРМА САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

Ўзбекистон кўзи оғир ва заиф болалар ҳамда ёшларни реабилитация қилиш жамғармаси саъй-ҳаракати билан қатор ибратли тиббий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ерда «Тифлопедагогика» ўқув курсининг йўлга қўйилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Айни вақтда кўзи оғир болаларни тарбиялаш ва мактабга тайёрлашга доир қатор ўқув қўлланмалари chop этилди. Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО болалар жамғармаси билан ҳамкорлик қўл келди.

Шу яқин алоқа туяфайли кўзи оғир болаларни компьютерда ўқитиш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда илк бор амалга оширилган бундай таълимий жараёни «акд»ли машиналар билан қуроллантириш тадбирлари ҳам қўрилди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

### Мағнабият

## САМАРАЛИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Эллик йилдан ортиқ вақт давомида фаолият кўрсатаётган Тошкент ахборот технологиялари университети йирик илмий-тадқиқот даргоҳига айланган. Алоқа ва ахборотлаштиришга доир йирик илмий ишларнинг кўпи шу олий ўқув юрти кафедраларида амалга оширилди.

Университетнинг бу борадаги фаолиятига Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги анжуманида яхши баҳо берилди. Чиндан ҳам кейинги йилларда бу ерда кўпгина йирик тадқиқотлар амалга оширилди. Бир неча докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди. 15 га яқин ихтироларга патент олинди. Ҳудан ортиқ монография chop этилди.

Бу каби илмий ишларнинг халқ хўжалиғи соҳаларига татбиқ этилишининг иқтисодий самарадорлиғи 46 миллион сўмни ташкил қилди.

## КЕНГ ОММАЛАШТИРИЛМОҚДА

Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиали олимлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар дарслик ва ўқув қўлланмалари сифатида ҳам chop этилмоқда. «Махсус фанлар» кафедрасининг бу борадаги фаолияти ҳам самарали бўлмоқда.

Бу кафедра Россия Иқтисодиёт академиясининг «Инсон ресурсларини бошқариш» кафедраси билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориб, бир неча ўқув адабиётларини босмага тайёрлади. «Таблим маркетинги ва меҳнат бозори», «Фирма шахсий бошқаруви» каби ўқув қўлланмалари эса кўп нусхада chop этилди. Шуниси муҳимки, бу каби ўқув адабиётлари академиянинг наشريёти томонидан чиқарилиб, кенг оммалаштирилмоқда.

## УНИВЕРСИТЕТ КУНИ

Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мамлакатимизда ўз нуфузига эга бўлган намунали олий ўқув юртидан бири сифатида яхши танилиб қолди. Бу ерда қатор ибратли аънаналар қарор топди. Ўқув масканининг халқаро илмий ва таълимий алоқалари йўлга қўйилди.

Бу каби ютуқларни оммалаштириш мақсадида бу ерда «Университет кунини» тадбири жорий этилди. Бундай дастлабки тадбир ўзига хос байрам тусини олди.

Уша кунини олий ўқув юртининг фаол профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талабаларига совғалар улашди.

Тадбир катта концерт билан тугади.

**Акбар АЛИЕВ**



# Ошма даврасида сўхбатлар

Қобил бобонинг ўч-тўрт кундан бери авзойи бузуқ. Хар куни эрта-лабдан тиқ этса эшик пойлайди. Харбийга кетган набираси Соли-войдан хат кутади. Бир ойдирки, ҳамон ундан дарак йўқ.

«Хаҳ, нодон бола-я, икки эллик-кина хат ёзиб қўйсаку, олам гулистон». Бобо хавлан на-бираси билан гаплашади. Бир-дан ёшлик йилларини эслай-ди-ю, яна ўзига тасалии бе-ради. «Бола-да, хали ҳам кўнгли далада».

Эшик тарақлаб бобонинг хаёли бўлинди. Келини Со-жида эшикни очди шекилли, ташқаридан хат ташувчи Зо-янинг шангиллаган овози эшитил-ди.

— Бобой бор?  
— Борлар, уйдлар.  
— Чақир, пенсия келди.  
«Пенсиянгни бошимга ураман-ми. Ундан кўра Соливойдан хат олиб келмайсанми?» Қобил бобо чор-ночор эшик томон юрди. Зо-я билан қовоқ уйиб сўрашди. Хами-ша очилиб-сочилиб уни кўтиб ола-диган чолнинг бугунги кайфияти-дан хайрон бўлган почтачи аёл, унга пенсияни тутқазиоди, тезда хат халтасини ортомқлаб жўнаб кетди.  
— Отажон, нариги уйда кий-имларингизни тайёрлаб қўйдим.

Кийиниб олинг. Ахир бугун туғил-ган кунингизку.

Келинининг бу гапидан бобонинг энаси баттар қотди. «Тавба, бу нима дейди ўзи? Хозир туғилган кун менинг кўнглимга сиғяптими?»

Шу чоғ кўча эшикда яна тарақ-

## Турмуш горраҳаларида

# БОБОНИНГ СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

туруқ бошланди. Бу гал Қобил бобо билан кўп йиллик қадрдонлигидан ёки бу хондонга тез-тез келиб-ке-тишданлири.

Олимжон Қобил бобо ишлаб, пенсияга чиққан қорхонда касаба уюшмасининг раҳбари. Тез-тез қор-хонанинг бу фахрили ишчисини унут-май, йўқлаб туради. Нима ёрдам ке-рак бўлса, бажонидил ташкил эта-ди.

— Сиз бизнинг фахримизсиз, сиздек устозларни хар қанча аъзо-ласак оз, — деб туради у икки гап-нинг бирида.

Олимжон бир пиёла чай устида

— Энди сиз бизнинг оталигимиз-дасиз. Бугундан бошлаб кун ора келиб сиздан хабар олиб тураимиз, — дея чугурлашиб бобога юзла-нишди.

Қобил бобонинг кўзлари намлан-ди. Қизлар кетишга чолнабайтани-ни кўриб, ўзини зўр-базўр тутди, улар билан дилдан хайрлашди.

Изма-из эшикда маҳалла оқсо-қоли Умар ака ва бир неча фаол-лар кўринди. Улар ҳам бобони ту-ғилган куни билан табриклагани келишибди. Маҳалладошлар ҳазил-хузул гаплар билан чолнинг кўнгли-ни кўтариб юборишди.

Кечки пайт «Отаганим уйдами-сиз?» дея Олимжон кириб келди. Азалдан одати шунака. Худди ўз уйига келгандек тортинмай кириб

алла-паллагача бобо билан чақчақ-лашиб ўтирди. Хайролашар экан олиб келган совғасини авайлаб оча бош-лади. Юпқа ва юмшоқ қоғозларга ўралган гулли чойнак, лаган, коса ва пиёлаларни олиб стол устига қўйди.

— Кейинги келганимда паловхон-тўрани шу лаганга сузиб, чойни мана шу чойнакка дамлайсиз.

— Бир чўким ош сандан айлан-син ўғлим. Аммо мени бунақа ҳадеб уюлтираверсанг...

— Оҳ отаганим, бу шахсан ме-нинг эмас, балки жамоанинг сизга қилган совғаси.

Ичкарида телефон жиринглаб крлди.

— Алло, алло, — Сожданинг ҳажжонли овози эшитилди. — Вой ўғлим сенимсан, Соливои-мисан?

Минг қўлса ҳам онда. Со-жида бирдан хўнграб юборди. Унинг бу қўлимшидан бобонинг энаси қотди. «Ийига бало борми, бобонинг кўнглини «қўтириб».

...Набираси билан телефон сўхбатидан сўнг Қобил бобо-нинг чехраси батамом ёри-шиб кетди. У ёш боладек жур-санд, дам уйга киради, дам кўчага чиқади. Мийиғида қандайдир бир қўшқичи жиргойи қилишдан чарқамай-ди.

Кечқурун тўқин дастурхон атрофи-га оила аъзолари тўғланшиди. Ўли Каримбой, келини Сожида ва яна яқин қариндошлари бобонинг кўтулғ ёши билан табриклашди.

— Шу дамда Соливои бўлмади-да. Бобонинг кўзларидан дув ёш тўкилди. Бу севинч ёшларида мана шу бахтли онларни ҳам даврада-гилар қаторида севишли набира билан баҳам кўриш истаги бор эди.

Маҳмуд ОРИПОВ

## Шарқ дурдоналари



• Утган ишга пушаймон бўлиш энг оғир дард. Охири пушаймонлик билан тугайдиган лаззатдан фойда йўқ.

Яхшиликни кўп қилган ки-шининг пушаймонлиги кам бўлади.

Пушаймонлик уч хил бўла-ди: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир кунлик пу-шаймонлик арзимаган пушай-монлик бўлиб, у бирор нар-сани ея олмай қолиш, арзи-маган нарсага эга бўла олмай қолиш сабабли пайдо бўлади. Ва тезда унутилиб кетади. Бир йиллик пушаймон эса қўлидан келса ҳам бепарволик туфай-ли тайёр ерга экин экмай вақ-тни ўтказиб юбориш орқали келади. Бир умрлик пушай-монлик эса адашиш орқали муносиб бўлмаган муросасиз уйланиб қолиш орқасидан ке-лади.

• Уз айбини кўрмаган ўзга айбини қидиран.

Дўстинг оч бўлса, сен тўқ бўлсанг, бу айбидир!

• Бир кунлик тарихга эгадир жаҳон. Юз йиллик бойлики қилмайлик пинҳон.

Кел, бунда ўтириб, бўлайлик бир шод,

Тасаввур қилайлик ўзини Кайкубод.

Дунё роҳатидан талаб қилиб дод.

Кечаю эртани айламайлик ёд.

• Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар,

Бефарқ кишилар ўзини йўқотар!

• Кишида икки гўзаллик бўлиб, улар икки ва ташқи гўзалликка бўлинади. Ташқи гўзалликка кишининг барча аъзолари, масалан, кўз, қулоқ, қош, юз, лаб, оғиз, комат ки-ради. Ички гўзаллик эса ки-шининг ёқимли хулқлар билан безанишидир. Бу хулқлар му-лойимлик, саховат, шижоат, илм, камтарлик, ифбат ва шунга ўхшаш бошқалардир.

• Бойлигингга мағрурлан-ма, унинг усти чиройли кўрин-са ҳам ичи ниҳоятда ифлос бўлиб, кишини минг турли бало-ларга дучор қилади. Бар-ча ишни шовмасдан ўйлаб қил. Сиригини ҳаммага айта-верма, илмсиз кишиларнинг айтган гапига ишониб иш тут-ма, ўтган ишга қайғуриб, ум-рингни зое ўтказма! Шейр:

Дилимда қанчалар сўзим бор бирок,

Шакарнинг кўпидан озидир созор!

Оз сўздан киши ҳеч бўлмас пушаймон, Кўп сўздан кишига етати зиён!

• Ақл ва фаҳм Хонининг соҳиблари ва ахлоқ дастурхо-нининг лаззатшунослари шун-дай айтадиларки, агар икки рафиқ Хон ёки дастурхон усти-да шерик бўлсалар, овкатга бир-бировидан аввал қўл уза-тишга шошилмасдан, бир-би-рига таклиф ва илтифот юза-сидан йўл тутсинлар. Монан-ди ит ва тўнғиз ҳамда бошқа ҳайвонлар каби ўзини овкатга отмасликлар керак. Қимтки, ёш жиҳатидан кичик бўлса ёши каттароғи овкатга қўл узатмагунча сабр қилмоғи ло-зимки, бу зарур ахлоқ қоида-ларидан ҳисобланади.



## ТАФАККУР КАМОЛОТИ

- Фарзандлар қариндош-уруғни кўпайтиради.
- Узини тутта билмаслик соғлиқдаги нуқсонгина эмас, ақлдаги нуқсон ҳамдир.
- Дарахтлар ҳам ўз кучини мевасига беради, она ми-сол.
- Уйдаги тандир ҳеч совумасин, бу сенинг тўқлигинг-дан нишондир.
- Хондонининг кўрки, ризқ-рўзи—нон.
- Чақмоқ чактиргандан кўра, чирок ёқтирган афзал.
- Ҳаётга берганингдан кўпроқ олсанг, демек сен текин-хўрсан.
- Туғилган юртининг майсаси гулдек чиройли, меваси асалдек ширин, одамлари ўта мулоим кўринади.
- Ватан эркини қадрлаган одамга инсон деган ном лойикдир.
- Нон қадрини нонсиз, Ватан қадрини Ватансиз қолган-да тўла англайсан.
- Бари тирик мавжудот бурч ўтайди.
- Туғилганинг исмиги ҳам, совуғи ҳам бор. Унга мос-лашган одамгина яшай олади.
- Жисман ва руҳан пок инсонлар билан дўстлашинг, улар яхшилик йўлидан юрадилар.
- Муруватли бўлинг. Муруватли одамлар ортидан юринг. Улар учун бахт эшиклари очиқ туради.
- Узилган гул сўлийти.
- Ҳеч нарса фақат яхши, ҳеч нарса фақат ёмон бўлол-майди.
- Тўққан она иккита бўлмаганидек, Она Ватан ҳам икки-та бўлмайди.
- Она бурчидан устун бурч йўқ.
- Ҳеч бир қуш бир қанот билан учолмайди.
- Тунни кўрмай ёруғлик қадрига баҳо бериб бўлмайди.
- Бирон бир мавжудот йўқки, у икки марта туғилиб, икки марта ўлган бўлсин.
- Хар бир нарсанинг қарама-қаршиси бор.
- Фақат ақл кўзидагина чексизлики кўриш қобилияти бор.

Тўлқин МУХИДДИН

## Ёши вақтингизда

# ТОПШИРҚЛИ СКАНВОРД

Дар- го висоқ	Гуш	Тур- кич шохри	Асра- лар лари	2x5	→	→
Гушли асбоб				Араб хисоби	Уяқ пайла- ра	
Фазл- лат	Шом	Учин- чи явлоқ	1			
			Кўри- ш озмоши	Туқма жоноз	Се- викли	
Раво- тажар	Ан- рилик	Самол- лет	Ҳинд шаҳри			
	2		Юрт	3		
Куч ўчоқи			Эркак асос	Сан- хонлик	Мия- дор	
		Хор- дик	Асра- лар лари		Мун- чи жонвор	
Хар- бий қисм			Тўлқин сўз вар			
	4	Исик дар	Хур- мат за		Балла	Ан- риқ ақлати
Мева	Уру- рар	Уя	Соз	Аун гамол		
		Чак- ер			Шпль	
Ўзу- л ил	Дил		Бору- ни		Лезла	Оуқа
					Хабр	

КАЛИТ СЎЗ:  
1 4 3 4 2 5 6 3 2

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

## Газетанинг шу йил 27 октябр соғида берилган КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

- Энига: 1. Босим. 5. Ара. 6. Арк. 10. Арктика. 12. Фирма. 13. Аҳвол. 15. Калибр. 17. Лондон. 19. Собит. 22. Умида. 24. Ярмак. 26. Мис. 27. Аён. 29. Товар.
- Бўйига: 1. Басра. 2. Сантим. 3. Марка. 8. Ин. 9. Кио. 10. Амфибия. 11. Аҳднома. 12. Фокус. 14. Линза. 18. Иванов. 20. Она. 21. Трест. 22. Уклар. 23. Дур.
- Белгиланган хондан соат мили йўналишида: 4. Логарифм. 7. Академик. 16. Миллиард. 25. Амазонка. 28. Резонанс.
- Муаммонома  
Очмак сўзлар: 1. Солик. 2. Эгов. 3. Чорвоқ. 4. Туз. 5. Али.  
Ҳикмат: Садоқат — эзгулик сари элтувчидир.

1968 йилда 220 ўринга мўлжаллаб қурилган бу пансионатга жанг-жадалларда иштирок этган ҳамда меҳнат жабҳасида алоҳида қўрсатилган хизматлари учун орден ва медаллар билан тақдирланган қариялар қабул қилинади. Пансионатнинг улкан ҳовлисидаги турли мевали дараклар янги ҳосилга кирган. Бу ердаги микроклимат мувозанатини сақлаб туриш учун ўрнатилган учта фаввора ҳам ўзига хос гўзал манзара бахш этиб турибди. Хуллас, ўқиб қалбларни кўтариш учун бу даргоҳда имкон қадар барча шарт-шароитлар яратилган. Аммо...

— Ҳақиқатан ҳам, қарияларимиз ўзларини худди уларидикидек эркин ҳис қилишлари учун барча шароитлар мавжуд бўлиши мумкин, бироқ бу жойнинг ауриси оғир... Онахон-отaxonларнинг тушқун, хорғин қиёфаси киши дилини бир лаҳзада вайрон қилиб юбориши ҳеч гап эмас, — деди биз билан суҳбатда бош шифокор Анвар Каримов. — Фақат бир нарсага ўрсандимки, бизнинг халқимизда муҳтожларга меҳр кўрсатиш тушунчаси ҳали йўқолган йўқ ва шундай бўлиб қолишига ишончим қомил. Энг қувонарли томони яна шунки, биздаги мана шу хусусият юртимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари ҳам сингиб кетган. Қарангки, фарб мамлакатларида кексаларнинг шу каби пансионатларда яшаш бошларини боғчага юборишдек оддий ҳол экан. Бундай тушунча миллатимизга мутлақо ёт эди. Афсуски, гуруч курмасиз бўлмаганидек дейимизки, кейинги йилларда ана шу курмаклар пансионат муҳитида ҳам яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Тўғри, қарияларимизни бу ерга турли сабаблар етаклаган: баъзилари ўзига хос тақдир инояти билан келиб қолган бўлса, айримлари ёшлиқдаги бебошлик хаваслари боис, аммо кўпчилиги фарзандлари туйғалидир... Ахир «ота-онанг девона бўлса, боғлаб боқ», деган халқимизнинг турмуш ҳақиқатлари ҳам борку...

— Бу ерга кизим билан кўп жанжаллашаверганим боис келган эдим, — дейди ёшланган кўзларини беркитишга уриниб бир пайтлар Ҳамза туманида истиқомат қилган 84 ёшли Закия ая Назимова. — Бир умр Чкалов номли авиация корхонасида хизматчи бўлиб ишлаган-

ман. Ёлғиз қизимни ҳеч нарсага зориқтирмадан катта қилдим, оқибатига эса ўзингиз гувоҳисиз... Бу ерда барча нарса бисёр, хизматлар яхши йўлга қўйилган. Қизим ҳам тез-тез келиб, ҳолимдан хабар олиб туради. Хар сафар ойнинг охирида келар эди, негадир бу сафар кечикмоқда... Менинг ўйга қайтгим келяпти. Қизимга айтинглар, мени бу ердан олиб кетсин. Бундан буён нафақамни ҳамиша унга бериб тураман...

— Бир йил бўлди шу ерга келганимга, — деб гап бошлади Закия аянинг тенгдоши Богдагул ая Шарипова. — Бир ховлидан саккиз нафар киши урушга кетганди. Турмуш ўрто-

ради, — деди суҳбатимизга қўшилган 78 ёшли қоралаётган отахон Мирзо Отаев. — Аввалига Бухоро вилоятида, кейинчалик пойтахтдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлаганман. Тақдирга чап бериб бўлмайдиган, деганлари шу бўлса керак...

— Қарияларни болалар билан тенглаштиришди. Лекин ёш болани урушиб, бирон жойга ўтказиб қўйсанг, қулоқ солиши мумкин, аммо кексалар ўзгача, айниқса бу ердагилар ўзининг ожизлиги туйғали шу қўйга тушиб қолганидан ўқинади, шунинг учун бу ерда ишлаш осон эмас, — фикрларини билдирди пансионат хизматчиси Шоҳида Субхонова. — Улар ҳамиша «ҳеч кимим йўқ, ортимдан ҳеч ким келмайди» деганлари билан, ҳар доим юрагининг туб-тубида кимнидир кутишди. Буни уларнинг юз-кўзларида яққол кўриш мумкин. Яхши шариоит керак, аммо улар одамларнинг меҳрига, бир оғиз илиқ сўзларига муҳтожлар...

— Шукри, юқорида айтганимиздек, кишилар орасида меҳр-оқибат устун, — сўзида давом этади бош шифокор. — Бунга мисол тарихида ҳомилиларимиз номини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Хусусан, «Тошкент мейбел», «Со-

впластитал», «ЎзДЭУ», бошқа корхона-ташкилотлар мунтазам равишда саховат кўрсатиб, қарияларимизга дастурхон ёзиб, совға-саломлар улашиб туради. Яқинда Россия элчихонаси томонидан уюштирилган концерт дастурида бевосита элчи жанобларининг ўзи ҳам қатнашиб, деярли бир миллион сўмлик совғалар тақдим этди. Қарияларимиз соғлиғига доимо эътибор қаратиб келамиз. Тумандаги 33-оилавий шифохона ходимлари бундай ишларга хайрихоҳ бўлиб, ҳар йили икки мартаба тиббий кўриқдан ўтказиб турадилар, керакли муолажаларни амалга оширадилар...

Буларнинг барини қозғога тушириб, кўпчилик ҳуқуқига ҳавола этиш керакмикан ёки йўқми дея кўп марта ўйладик ва шундай фикрга келдикки, бу ҳақда очик даврада гапирининг мавриди келди. Бинобарин, юқорида биз ҳеч кимнинг фикрини бўлмасдан тўлиқ ифода этишга ҳаракат қилдик. Мақоламиз сўнггида эса одамларга фақат бир-бирингиздан меҳрингизни қизганманг, дегимиз келди ҳолос.

Шахло ҲОШИМОВА

## Муноза

# УЛАР ҲАМИША КИМНИДИР КУТИШАДИ...

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бугунги кунда 170 нафардан кўп қариялар истиқомат қилмоқда. Йўқ, биз адашмадик, улар бу ерда дам олишаётгани йўқ, балки кексалик гаштини эндиликда қадрдон бўлиб қолган пансионатда сурмоқдалар.

фим фронтдан қайтмади, орамизда фарзанд ҳам йўқ эди. Кейинчалик тенгим топилмади, хуллас қайта турмуш қурмадим. Тошкент вилоятининг Чирчиқ туманидаги ҳарбий қисмлардан бирда бир умр ишлаб, нафақага чиққандим. Қариндош-уруғларим бўлмаганиги боис кексайганимда ёлғизлигим қолмаслик учун менга ёрдамлашиб туриш шарти билан уй-жойимни бошқа вилоятдан келган бир эр-хотин номига ўтказиб бергандим. Улар эса мени шу ерга ташлаб кетишди... Бир умр йўққан мол-дунёимни ҳам ўзлаштириб олишди, лекин ачинган нарсам бу буйимдан мерос бўлиб қолган 1842 йилда ишланган бир неча чинни буюмларди. Майли, нима ҳам қиламан... Агар уша уй эгалари бир марта йўқлаб келиб, ҳолимдан хабар олганларида, фотиҳа бериб, ҳамма қилмишларини кечирардим...

— Биринчи турмуш ўртоғим иш билан бошқа шаҳарда эканимизда учта боламини олиб ўзга юртларга кетиб қолган. Иккинчисидан бир қизим бор. У тез-тез ҳолимдан хабар олиб ту-

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланган банд солинган қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг очик кимшоши савдоси ўтказилади.

2005 йил 26 декабрь куни қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимшоши савдоси ўтказилади:

1. «Газ-3306» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошланғич нархи 1.212.741 сўм, техник носоз - Яккасарой-3/4;
2. «Газ-53» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошланғич нархи 199 430 сўм, техник носоз - Яккасарой -2/4;
3. «Мерседес-Бенц-Д 124» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси В 772 ОЗМ, бошланғич нархи 4.379.862 сўм, техник саз - Юнусобод-171/4;
4. «Мерседес-Бенц-210» автомобили,

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси В 476 SHM, бошланғич нархи 6.775.208 сўм, техник саз - Юнусобод-172/4;

Кимшоши савдолари соат 16.00 да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 14.00 дан 18.00 га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва кимшоши савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

«01»

## ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Ёнғиннинг ноҳуш оқибатлари ҳақида гапирганда кўз олдимизга аввало ёниб қулга айланган бинолар, касалхоналарда қуйиб тан жароҳати олиб азобланаётган кишилар келади. Ёнғин қаерда ва қачон бўлмасин ўзининг мудиҳш изларини қолдиради. Қанчадан-қанча одамлар бошпанасиз қолади, саломатлигини йўқотади, айрим ҳолларда эса киши ҳаётдан бевақф кўз юмади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва фабрикаларда содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнатига салбий таъсир кўрсатади. Давлат мулкига зиён етказиб, миллионлаб сўм зарар келтиради.

Яқини етаётган ёнғин хавфсизлиги ойлиги мобайнида ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ҳақида яна бир бор эслатиб ўтишни ўзимизнинг бурчимиз деб билдик.

Киши-қировли кунларда уй-жойингизнинг печка мураккаблида носозликлар аниқланганда уларни ишлаб-манг. Иситиш печкаларини тўтун йўли ёнғинга қарши кураш жамияти ходимлари томонидан текширилиши лозим.

Уларнинг ертўлаларида тез аланга олувчи материаллар: бензин, керосин, ацетон ва бошқа суюқликларни бир-галикда сақлаш мумкин эмас. Улар сақланган жойларда очик олов, шам ёқиш ва гургут чакитиш қатъиян тақиқланади. Шунингдек, ёниб турган газ плитасини қаровсиз қолдирманг, устига қийим-кечакларни қуритиш учун илманг. Қўлбола электр иситиш печкаларидан фойдаланманг. Носоз электр тармоғидаги қисқа турашув ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади.

Болаларнинг олов билан ўйнаши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслиги эса аянчли оқибатларга олиб келади. Шунинг учун ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан аҳоли ўртасида, мактаблар, болалар боғчаларида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзингизни ва яқинларингизни ёнғиндан сақлаш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишингиз шарт. Уйдан бирон-бир иш билан қунага чикангиз ёш болаларни қаровсиз қолдирманг, электр жиҳозлари, телевизор, радио, магнитофон, компьютер ва газ плитасини ёйик қолдирманг.

Шуни унутмаслик керакки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш билан саломатлигингиз, йиллар давомида йитган мулкнингизни ёнғин хавфидан асраган бўласиз.

Ш.ЗИЯЕВ,  
Х.ИРИСМЕТОВ,  
12-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги отряди инспекторлари

## ХАНДАЛАР

— Театрга маст ҳолатда кирганингиз тун оласизми? — сўради судья...

— Албатта, — жавоб берди гуноҳкор.

— Агарда маст бўлмаганимда бу бемаъни фикр ҳеч қачон ҳаёлимга келмасди.

\*\*\*

Шер қопқонга тушиб қолди. Унинг ёнғинасидан қуён ўтиб кетаётди, сўрапти:

— Шер ака, сизга нима қилди?

— Қопқонга тушиб қолдим!

— Эҳ шалпанг, аҳмоқ! Қўзингга қараб юрмайсанми!

\*\*\*

Шаҳарлик балиқ овлаш ҳўжалигига келибди. Одамлар у ёқдан бу ёққа юришарди. У овчидан вақтни сўради.

— Роппа-роса 12, — жавоб берди овчи.

— Наҳотки, мен 12 дан ўтган деб ўйлабман.

— Бу ерда 12 дан зиёд бўлмаган, 12 бўлгани, яна 1,2,3 дан бошланади.

\*\*\*

Икки ошна шинам қафеда ўтирибди.

— Мен пайқадимки, ҳар бир кишининг ўзига хос жиҳатлари бўлар экан.

— Менда бунақа хусусият йўқ, — жавоб берди иккинчиси.

— Сенда ҳам бор.

— Қанақа жиҳат?

— Мен сени чойга шакарни ўнг қўлинг билан аралаштиришингни сездим.

— Нима бўпти?

— Кўпчилик чойга шакарни қошиқ билан аралаштиради...

\*\*\*

— Ҳошимжон, сен санашни биласанми?

— Ҳа, биланман!

— Сана-чи унда!

— Олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, валет, дама, король, туз...

\*\*\*

— Ойижон, бу маймунми?

— Йўқ, ўғлим, бу ҳали чипта сотувчи.

\*\*\*

Зоопаркда:

Бир хотин дугонасига:

— Биласанми, менга озиш учун доктор отда сайр қилишни маслаҳат берди.

— Ҳўш, кейинчи?

— Ҳа, от 15 кг озди.

\*\*\*

— Сара, сен неча кило чикасан?

— Кўзойнак билан бир юз беш кило.

— Кўзойнакни бу ерда нима дахли бор?

— Чунки кўзойнак сиз мен сонларни қўрқолмайман-да.

## Спорт

## ГИЛАМДА ЁШ КУРАШЧИЛАР

Республика олимпия захиралари коллежида 1990-1992 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича Тошкент шаҳар очик чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.

Турнирда шахримизнинг «Ёшлик», касабга уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти, республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактабининг ёш курашчилари билан бир қаторда пойтахт вилояти бир қанча спорт клубларининг вакиллари ҳам қатнашиб, жами 142 нафар спортчи галаба учун кураш олиб борди.

Ёшлар галабага чанқок бўлишди. Шу сабабдан барча вазн тоифаларида ўтказилган финал баҳслари кескин ва мурасасиз тарзда кечди.

Шундай қилиб, қуйидаги ёш полвонлар ўз вазн тоифаларида шаҳар биринчилигининг ғолиблари бўлишди.

32 килограммгача бўлган энг энгил вазнда касабга уюшмалари жамияти вакили Фаррух Абдурахмоновга тенг келадиганлар топилмади. 35 килограммгача курашчилар баҳс юритган кейинги вазнда эса республика Олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Аббор Қурбонов зафар қучди. 38 ва 42 килограммгача бўлган вазн тоифаларида ҳам юқоридаги коллеж вакиллари Александр Лохов ва Сирождидин Назарқосимовлар хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Фақат 47 килограммгача вазндагина пойтахт вилояти вакили Жаҳонгир Умурзоқовга, 66 килограммликлар ўртасида «Ёшлик» клубидан Юсуф Содиковга омад қилиб боққан бўлса, қолган барча вазнларда «майдон» эгалари — Республика Олимпия захиралари коллежи тарбияланувчилари Шерзод Қурбонов, Баҳодир Луқмонов, Сирождидин Абдуҷамолов, Элёр Иноязовлар турнир ғолиблари бўлишди.

### КУЧЛИ ТАРКИБДА ҚАТНАШИШАДИ

Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича спортчиларимиз кучли таркибда Малайзияда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашиш учун жўнаб кетишди.

Терма жамоамиз таркибида байдаркада эшак эшиш бўйича Ю.Борзова, О.Умаралиева, Е.Шубина, А.Бобоҷонов, М.Тарасов, С.Борзов, Д.Турчин, каноэ усталаридан В.Миньков, С.Мирбеков, М.Кирьянов ва бошқалар бор.

Уйлаймизки, спортчиларимиз ушбу нуфузли мусобақадан ҳар доимгидек медаллар шодаси билан қайтишади.

(Ўз мухбиримиз)

## ФЕСТИВАЛ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда илк бора Шарқ якка кураши турлари бўйича ташкил этилган фестивал кутилганидан ҳам юқори савияда ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди.

Айтиб ўтиш керакки, Шарқ якка кураш турлари жанг санъати Республика маркази томонидан ишлаб чиқилган янги қоидалар асосида ўтказилди. Илк бор ташкил этилган мазкур фестивалда юртимизда фаолият кўрсатаётган Шарқ якка кураш федерациялари ва ассоциацияларининг етакчи спортчилари дастлаб ўз йўналишлари бўйича беш вазн тоифасида, учта татамида икки минутли, уч раундли баҳсларда ғолиблик учун кураш олиб боришди. Галаба қозонган спортчилар Шарқ якка кураш турлари ва жанг

санъати Республика маркази низомига кура махсус ишлаб чиқилган дастур асосида баҳслашишди. Фестивалга кикбоксинг, қаратэ, муайтай спорт йўналишлари, шунингдек Ўзбекистон анъанавий таэквандо маркази каби ўнга яқин федерация спортчилари жалб этилган.

Фестивални ўтказишдан қўзланган мақсад ҳам Шарқ якка кураш федерацияларини жамлаб, ўзaro дўстона муносабатларни ўрнатиш ва яна бир бор етакчи спортчиларни синовдан ўтказиш эди. Биринчи кун қатнашчилар ўз йўналиш-

лари бўйича ғолиблар номини аниқлади. Унда кикбоксинг бўйича 65 килограммда Нуриддин Нуриддинов, 71 килограммда Аҳмад Алимбеков, 78 килограммда Фарход Юнусов, 85 килограммда Бобур Йўлдошев барча рақибларини энгил финалга йўл олишди. Фестивалнинг иккинчи кунги федерация спортчилари ўзларининг кўргазмалли чиқишларини намойиш этишди. Сўнгра финал учрашувларига йўлланма олган спортчилар Шарқ якка кураш турлари ва жанг санъати маркази ишлаб чиққан махсус қоида асосида ғолиблик учун кураш олиб боришди. Мусобақада ғолиб чиққан спортчилар ташкилотларининг махсус совғалари ва дипломлари билан тақдирланди. Бир сўз билан айтганда марказ мақсад қилиб қўйган вазифани аъло даражада бажарди.

Рустам ХАЙДАРОВ,  
«Туркистон-пресс»

### Картина

Тошкент бирлашган техник мактаби автодромида пойтахт бирлашган техник мактаби соврини учун Тошкент шаҳар чемпионатининг якунловчи тўртинчи босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.



## ИШТИРОКЧИЛАР КАТТА МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда пойтахт бирлашган техник мактаби томонидан ташкил этилган чемпионатнинг сўнги босқичида жами саккизта жамоа — Тошкент шаҳридан олти клуб ҳамда Олмалик тоғ-металлургия комбинати ва Ангрэн автомактабидан жами 40 нафар картингчилар галаба учун кураш олиб боришди. Спортчилар 6 классдаги картингларда ўз маҳоратларини кўрсатишиб, ғолиблар шохсупа тўрига қўтарилди.

Жумладан, двигатели ҳажми 50 куб/сантиметргача бўлган «Пионер» классидида 9-14 ёшли болалар ўзаро беллашишди ва бунда Ҳамза ўқув спорт-техник мактабидан Исқандар Девликановга тенг келадиганлар топилмади.

Двигатели ҳажми 125 куб/сантиметр бўлган «Юниор» классидида эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар баҳс юритишди. Бу мусобақаларда ҳам Ҳамза ўқув спорт-техник клуби вакили Фирдавс Жумаевнинг қўли барча рақибларидан баланд келди.

Юқоридаги каби ҳажмдаги двигателда «Союз М» классидида бўйича уштирилган мусобақада 19 ва ундан катта ёшдаги картингчилар иштирок этишди. Бу турда Тошкент бир-

лашган техник мактабидан Жамол Мирхосилов энг яхши натижага эришди.

Кейинги «Интерконтиненталь» классидида Ҳамза ўқув спорт-техник клуби катнашчиси Руслан Жумаев зафар қучди.

Охириги икки йўналиш — «Восток» классидида 250 куб/сантиметрли двигателли картинглар бўйича мусобақаларда Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг икки моҳир спортчиси — Рустам Полвонов ҳамда Дмитрий Богомоловларга омад ёр бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ангрэнлик 8 ёшли Славик Воженин чемпионатнинг энг ёш иштирокчиси бўлди. Умумжамоа ҳисобида Ҳамза ўқув спорт-техник клуби биринчи, Собир Раҳимов ўқув спорт-техник клуби вакиллари иккинчи, Олмалик тоғ-металлургия комбинати картингчилари учинчи ўринларни эгаллашди.

Чемпионатнинг ғолиб ва совриндорлари дипломлар, Фаҳрий ёрликлар ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз/  
СУРАТЛАРДА: картинг бўйича Тошкент шаҳар чемпионатининг якунловчи босқичидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар



### Саъват

## ЁШ РАССОМГА КАТТА ИШОНЧ

Украин халқ ижодиёти республика фестивали ёш истеъодлар учун ҳам катта шодибонага айланди. Ушбу тадбир доирасида уюштирилган болалар расмлари танловида ўнга яқин ёш рассом ғолиб деб топилди.

Тошкентдаги Украина тасвирий санъат студиясининг фаол аъзоси Оксана Бедрицкая томонидан пластилинда чизилган картинани эса юқори баҳолашди. Бу истеъод эгаси Ўзбекистон Бадий академияси ҳузурдаги ёшлар ижодий бирлашмасига аъзо этиб қабул қилинди. Шу муносабат билан фестивалда ўнга Бадий академиянинг гувоҳномаси тантанали равишда топширилди.

Адхам АББОСОВ

### Мунажжиди башорати

ЁҚИМЛИ ХАРИДЛАР КУТАДИ  
16 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Мунажжидларимиз фикрга кўра, бугун сизни ёқимли ва фойдали харидлар кутади ҳамда бошқа хил мулкларга эга бўлишингиз мумкин.

Астрологик жиҳатдан оғир ҳолат кундузи соат унча давом этади ва шу вақт ичида ҳеч қандай янги иш, янги танишув ва муҳим учрашувларга йўл қўйиб бўлмайди. Бирок, ҳозир ва шу ерда юзага келадиган ҳар қандай кескин вазият ҳамда бўҳронли ҳолатни қатъият ва зудлик билан ҳал этиш керак.

Шу кун илдовлар, бегона таъсирлар, ҳийла-найранглар қурбонига айланишингиз ҳеч гапмас. Нарсаларингизни ўғирлатиб ёки йўқотиб қўйишингиз мумкин. Кўпроқ вақтингизни уйга, фарзандларингизга, рўзғор ишлари ва уй жиҳозларини тартибга келтиришга сарфланган.

Оқшоми дўстона зиёфатларга, ярашиш, эски муносабатларни тиклашга, иждоқорлик ва яратувчилик ишларига бағишлангиз маъқул. Сафарларга чиқиш, хизмат вазифалари билан йўлга отланиш, меҳмон қутиш ёки ўзингиз меҳмонга боришингиз мумкин.

Ошқозон, жигар ва қораталок бугун заифлашган ҳолатда бўлиб, уларни эҳтиёт қилиш ҳаракатида бўлинг.

Оқ, ҳаворанг ва қумушранг кийимлар бугунги кун руҳига мос бўлиб, қора ҳамда жигаранг либосларингизни бир чеккага суриб қўя туринг.

### БУГУН:

— саёҳатлар, хизмат сафарларига йўл олиш;

— самарали меҳнат қилишингиз ва яхши дам олишингизга хизмат қиладиган китоблар, кассеталар, видеотехника ва алоқа воситалари, бошқа қимматбаҳо буюмларни харид қилиш;

— олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва давлат амалдорлари билан мулоқотда бўлиш;

— ҳар қандай вазиятда ўз обрўйингизга доғ туширмаслик тавсия қилинади.

Шубҳа-ғумонларга берилиш ва жиззакилингизни намоён этишдан сақлангиз.



Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет  
услуди босилди.  
2495 нускада босилди. Қороз Бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрирн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги  
почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05  
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида теришти ва сақланган.

«Шарқ» нашрийёт-матбос акциядорлик компанияси бошқармаси.  
Корхона манзили: «Буқ Тўро» кўчаси, 41-уй.